# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 7-SENTABR, JUMA, 105 (8030) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Сунъий чатиштириш натижасида ахалтекин отлари ўзига хос тусларга эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу отларнинг тўриқ, қизғиш, қора ва кулранг турлари кўп учрайди, оч сариқ ранглиси эса камёбдир. Элликқалъа туманининг Амиробод овулидаги "Само тулпорлари" кичик от заводида жаҳонга маълум ва машҳур бўлган ана шу зотдор ахалтекин отлари кўпайтирилмоқда.

2



Сирдарё вилоятида балиқчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида молия муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар йўналтирилаётганлиги боис балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам янада ошмоқда.

3



Пойтахтимизда Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида "Спорт кино ва телевидениеда" VII халқаро саралаш фестивали бошланди.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 6 сентябрь куни расмий ташриф билан Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди.**

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

**ЎзА**

## ИСЛОМ КАРИМОВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

**ОСТОНА, 6 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Остонага келди.**

Шаҳар аэропортида олий мартабали меҳмонни Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев кутиб олди.

Қозоғистон пойтахтида икки давлат раҳбарларининг суҳбати бўлиб ўтди.

Дастурга биноан ташрифнинг асосий воқеалари 7 сентябрга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Андижон Вилояти



## СИФАТЛИ ВА БЕЖИРИМ

Андижон вилоятида саноат корхоналари фаолиятини ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш борасидаги чора-тадбирлар изчил олиб борилмоқда.

Асака туманидаги «Дўст — шериклар» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган пойабзаллар юқори сифати ҳамда бежиримлиги билан харидорлар эътиборини тортаётир. Жорий йилнинг биринчи ярмида бу ерда жаҳон андозалари даражасида 12 ярим минг жуфт маҳсулот тайёрланди.

Жамоа замонавий технологиялардан фойдаланиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва турини оширишга эътибор қаратмоқда. Айни пайтда корхона пойабзалларининг тури элликтага етди. Маҳсулотларга буюртмалар тобора кўпаймоқда.

**СУРАТДА:** *ишчи Қундузой Ғаниева.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## Кунниг муҳим воқеалари

▶ Фарғона шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган "Келажак овози – 2012" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

▶ **Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

▶ Чуст туманининг Олмос қишлоғидаги 20-умумтаълим мактабида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мактабнинг 540 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли биноси тубдан реконструкция қилиниб, яна қўшимча ўқув биноси барпо этилди. Янги ўқув йилини замонавий, барча шарт-шароитга эга мактабда бошлаган қишлоқ ёшларининг қувончи чексиз.

▶ **Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Мустаҳкам оила йилига бағишланган бадиий кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик йўналишида самарали меҳнат қилиб келаётган ижодкор сулолалар вакилларининг асарлари намойиш этилмоқда.**

▶ Қорақалпоғистон Республикаси Давлат ўлкашунослик музейида "Ўлкамиз тарихи сарчашмаси" деб номланган кўргазма очилди. Кўргазмадан ўрин олган 500 дан зиёд экспонатлар Оролбўйи тарихи, табиати ва бу ерда яшаётган аҳолининг миллий маданияти ҳақида кенг маълумот беради.

Бухоро Вилояти

**Вобкент тумани марказида пиллани қайта ишлайдиган "Кумушкент ипаги" корхонаси фаолият бошлади. Натижада эллик нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди.**

## "КУМУШКЕНТ ИПАГИ" – ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Реконструкция қилинган мазкур янги корхона цехлари "Қишлоққурилишбанк"-нинг вилоят филиалидан олинган 350 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий дастгоҳ ва технологик ускуналар билан жиҳозланди.

Йилига 200 тоннадан зиёд пиллани қайта ишлаш қувватига эга корхонада хомашё захирасини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эрта баҳорда туман пиллачилари билан шартномалар тузилгани корхонанинг барқарор фаолият юритишини таъминламоқда.

"Кумушкент ипаги" корхонаси маҳсулотларининг асосий қисми экспорт қилиниши режалаштирилган.

**Э.ЁДГОРОВ, ЎзА мухбири.**

Қашқадарё Вилояти

## МАҲАЛЛАДА ЯНГИ СПОРТ МАЖМУИ

Қарши шаҳридаги Истиқлол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий спорт мажмуи қуриб, фойдаланишга топширилди. Бу иншоот Искандар Қудратов раҳбарлигидаги "Асл юксалиш" МЧЖ жамоасининг истиқлолимиз 21 йиллигига муносиб туҳфаси бўлди.

"Қишлоқ қурилиш банк"дан олинган 200 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига сунъий қопламали футбол майдони, волейбол, баскетбол майдончалари, кураш, шахмат, шашка, стол тенниси учун алоҳида хоналар барпо этилди.

Мазкур маҳаллада 6 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шунинг 70 фоизидан ортиғи ёшлардир.

— Биз ушбу маҳалладаги кўп қаватли уйларда яшаймиз, — дейди ёш курашчи Сардор Жумаев. — Замонавий спорт мажмуи фойдаланишга топширилганидан хурсандмиз. Бу ерда тенгдошларим Достон Жумаев, Азиз Бозоров, Азамат Ражабовлар билан мураббийимиз Алишер Холиқовдан сабоқ оляпмиз. Мақсадимиз бу ерда маҳоратимизни ошириб, республика, халқаро мусобақаларга чиқиш ва уларда муваффақиятли иштирок этишдир.

— Бундай ёруғ кунларни кўришимизнинг ўзи бахт, — дейди шу маҳаллада яшовчи отахон Бобониёз Кўчқоров. — Набираларим ишдан, ўқишдан сўнг зерикиб қолишарди. Мажмуанинг бунёд этилгани айни муддао бўлди-да. Бу, аввало, мустақиллик берган имконият. Тадбиркорларга кенг йўл очиб берилганлиги учун улар ҳам эл-юрт ғамини ўйлашяпти.

Ушбу спорт мажмуаси юзлаб ёшларни ўз бағрига олди. Уларга ўндан ортиқ малакали мураббийлар спортнинг бир неча турларидан сабоқ берадилар. Йил охиригача Қарши шаҳрида 21 та ана шундай спорт мажмуаси барпо этилиши режалаштирилган.

**Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

## БУГУНГИ ҲОЗИРЛИК – ЭРТАНГИ ХОТИРЖАМЛИК

**Президентимизнинг шу йил 20 июндаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2012/2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида Самарқанд вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.**

— Ҳар йили куз-қиш мавсумига тайёргарликни барвақт бошлаймиз, — дейди «Каттақўрғон тумангаз» филиали бошлиғи Шерзод Ҳайдаров. — Жорий йилда ҳам Президентимизнинг мазкур қарорига асосан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олдик. Шу асосда газ тақсимлаш қутилари, газ қувурлари ва бошқа жиҳозларни тафтиш назоратидан ўтказиш режалари тузилиб, амалий ишга киришилди. Дастлаб ишни мавжуд 206 та газ тақсимлаш қутиларини назорат тафтишдан ўтказиш ва ранглашдан бошладик. Шунингдек, 2,4 километр масофадаги юқори босимли газ қувурлари ҳам ранглaнди.

Каттақўрғон туманида 805,7 километр газ қувурлари бўлиб, уларнинг 152,7 километрини юқори босимли, 349,3 километрини ўрта босимли, 303,7 километрини паст босимли газ қувурлари ташкил этади. Мавжуд 1059 та газ тақсимлаш қутиларининг 55 таси юқори босимли ва қолганлари ўрта босимли шундай мосламалардир. Ҳозиргача Алижон қишлоғидаги газ қувурлари тўлиқ реконструкциядан чиқарилди. Газ босими нисбатан паст бўлган Баланд Чордара маҳалласига қўшимча газ қувурлари тортиш режалаштириляпти. 36 та юқори босимли ва 740 та ўрта босимли газ тақсимлаш қутилари тафтиш назоратидан ўтказилиб, таъмирланди. 4 километрлик юқори босимли ер ости газ қувурлари лазерли ускуна ёрдамида текширилиб, таъмирдан чиқарилди. 3150 та хонадоннинг газ мўрилари ва жиҳозлари тафтиш назоратидан ўтказилди.

Туман маркази – Пайшанба шаҳарчасида бугунги кунда кенг миқёсда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга ошириляпти. Ана шу ишларга ҳамоҳанг равишда газчилар бу ҳудудда ҳам кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини олиб боришмоқда.

Туманда қишда аҳолини, иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти.

Каттақўрғон туманига хизмат кўрсатувчи "Қорадарё электр тармоқлари" корхонасидан олинган маълумотларга қараганда, 0,4 КВТ (киловольт)ли 29,3 километр, 6-10 КВТли 34,2 километр масофадаги ҳаво линиялари мукаммал таъмирланган. Электр тармоқларидаги 78 та шикастланган изоляторлар алмаштирилган. Режалаштирилган 57 та ТПдан 30 таси мукаммал, 34 та ТПдан 16 таси жорий таъмирдан чиқарилган. 68,2 километрдаги 6-10 КВТли электр тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш, сим таянчларини тўғрилаш, салқиган симларни тортиш ишлари бажарилган.



— 2012-2013 йиллар кузги-қишки мавсумга Президентимизнинг мазкур қарори асосида жиддий тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди корхона бошлиғи Хурсанд Жалилова. — Учраётган муаммоларни имкон қадар ички имкониятларимиз ҳисобига ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

Айтиш жоизки, Каттақўрғон туманида қиш даврида табиий газ ва электр энергияси таъминотини кўнгилдагидек ташкил этишга бугун жиддий ҳозирлик кўриляпти. Негаки, бугунги пухта ҳозирлик эртаги хотиржамликдир.

**Абдурасул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.**

Навоий Вилояти

▼ МОДЕРНИЗАЦИЯ

# ИШДАГИ УНУМ МЕҲНАТДАГИ ЗАВҚДАН

**"Хатирчи пахта заводи" акциядорлик жамиятининг бугунини кечаги куни билан қиёслаш корхона жамоаси учун ниҳоятда завқли. Айниқса, ишчилар бу ҳақда қониқиш билан гапиришади. Илгариги алмисоқдан қолган дастгоҳлар ўрнини замонавий асбоб-ускуналар эгаллаганлиги, ишлаб чиқариш қуввати ошганлиги, яратилган шарт-шароитларнинг қанчалик қулайлигини сўзлашдан эринишмайди, улар.**



— Тўғри-да, — дейди корхона бош муҳандиси Амир Турдиев. — Меҳнатингдан қониқсанг, завқлансанг қандай яхши. Бундай пайтда, албатта, ишда унум, кайфиятда кўтаринкилик бўлади. Бундан беш йил бурун корхонамиз техник жиҳатдан тўлиқ янгиланди, қурилиш ишлари олиб борилди. Натижада биз учун энг муҳим жиҳат — тола ишлаб чиқариш сифат кўрсаткичлари яхшиланди. Бу борада 100 фоизлик, илгариги кўрсаткичга нисбатан 40-50 фоиз юқори натижага эришдик.

Корхона бир мавсумда 32 минг тонна пахта қабул қилиш, 12 минг тонна тола ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда корхонанинг барча цехлари, тарози, лабораторияя ва бошқа асбоб-ускуналар, техника воситалари, жойлардаги мавжуд 7 та пахта қабул қилиш масканлари ва уларга қарашли 430 та пунктлар янги мавсум ҳосилига шай ҳолатга келтириб қўйилди.



— Бу йил 12 минг тонна пахта қабул қиламиз, — дейди жамиятда ташкил этилган пахта қабул қилиш маскани мудири Шуҳрат Набиев. — Ана шу миқдордаги ҳосил учун 100 дан зиёд фермер хўжалиги билан шартнома имзоладик. Биринчи галда ғарам майдонларини, пахта тушириш мосламаларини мавсумга ҳозирладик. Тарозихона ва лаборатория жиҳозлари давлат стандарти назоратидан ўтказилди. Фермерларнинг дам олиши учун хоналар тайёрланди. Мавсум давомида иш кўламининг янада кенгайишини ўйлаб, ишчиларимиз сонини 55 нафарга етказдик.

Пахта тозалаш масканига прожекторлар қўйилган. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўт ўчириш мосламалари тайёр ҳолга келтирилган, ҳовузлар тозаланиб, сувга тўлдирилган. Пахта ғарамларини ёпиш учун етарли миқдорда брезентлар келтирилган.

Аҳамиятлиси, бу масканда қабул қилинадиган янги ҳосилнинг 3 минг тоннасини уруғлик пахта ташкил этади. Уни сақлаш ва тозалаш эса мутахассис ва ишчилардан алоҳида масъулият талаб этади.

Корхонанинг бошқа пахта қабул қилиш масканларида ҳам ҳозирлик ишлари тўлиқ ниҳоясига етказилган. Уларнинг барчасида мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш, мавжуд пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан бош корхонага етказиб бериш имкониятлари мавжуд. Хатирчилик пахтакорларнинг қалб қўри билан яратилган пахта ҳосилини сақлаш, уларни қайта ишлаб, сифатли хомашёга айлантириш учун ана шундай хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан "Lex.uz" — қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги имкониятлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

# «LEX.UZ»да ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР




Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ташкил этилиб, ундан интернет тармоғининг "LEX.UZ" сайти орқали фойдаланиш имкониятлари жорий этилган.

"Lex.uz" миллий тизимининг асосий мақсади юридик ва жисмоний шахсларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кенг фойдаланишини таъминлаш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш ишларини такомиллаштиришга қаратилган.

Унда ўзбек ва рус тилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар республикамизда қабул қилинган қонунлар, кодекслар, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари, Конституциявий суд қарорлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди пленумлари қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мавжуд.

Мазкур миллий тизимда бугунги кунда 25 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жойлаштирилган. Ҳозирда тизимга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий тусдаги қарорларини киритиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Эътиборлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан барча бепул фойдаланиши жорий этилди. Бу эса, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий тизимининг янги босқичини бошлаб берди. Миллий тизим интернет тармоғи орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бепул фойдаланиш имконини берувчи мамлакатимиздаги ягона ахборот-ҳуқуқий тизим ҳисобланади.

Шунингдек, кейинги йилларда уяли алоқа воситалари орқали интернет хизматидан фойдаланишнинг оммалашиб бораётганлиги ҳисобга олиниб, "Lex.uz"нинг интернет мобиль версияси яратилди. Эндиликда фойдаланувчилар исталган вақтда уяли алоқа воситалари билан интернет орқали норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш имкониятига эгадирлар.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароит яратиш, жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.**

# ЯНГИЛАНАЁТГАН БИЛИМ МАСКАНЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ таълим муассасаларида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий қиёфа касб этаётган мактаблар зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланмоқда.

Паркент туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби ҳам мазкур қарорга мувофиқ таъмирланди. "Таъминотчи" ва "Муҳандис плюс" масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан олиб борилган бунёдкорлик ишлари натижасида иккита ўқув биноси тубдан реконструкция қилинди, ўнта синфга мўлжалланган янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимиз таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида юртимизнинг барча ҳудудларида жаҳон андозаларига мос билим масканлари барпо этилиб, мавжудлари тубдан реконструкция қилинмоқда, ёшларнинг ўқиб-изланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда, — дейди мактаб директори Матлуба Норматова. — Бизнинг 500 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар таълим-тарбия олаётган билим масканимизда ҳам мазкур янги ўқув йилида замонавий лаборатория, фан кабинетлари, спорт зали, ошхона, стадион ва бой китоб фондига эга кутубхона ёшлар ихтиёрига берилган.

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, янги ўқув йили арафасида 24 мактабда ана шундай таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Бухоро Вилояти

▼ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# ОТА КАСБИ ОЛТИН

**Қоровулбозор туманидаги наслчилик йўналишидаги қоракўлчилик ширкат хўжалиги бош чўпони Негмурод Ойматовнинг эътироф этишича, унинг ота-боболари ҳам чорвадор ўтган. Шу соҳада меҳнат қилган. Аммо чорвачиликдан бу қадар барака топиш мумкинлигини, обрў-эътибор қозонишни тасаввур ҳам қилмаган.**



Негмурод ака мамлакатимизда чорвадорлар учун яратилган шароитдан, имкониятлардан фойдаланиб, унумли меҳнат қилаётир. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига кўра, унга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган чорвадор" фахрий унвони берилди. Буларнинг барчаси мустақиллик берган имкониятлар ҳамда Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин даражасидир.

— Вилоят "Қоракўл" бирлашмаси раиси Неъмат Мамаризаев қўнғироқ қилиб, мукофот билан муборакбод этганда Учюлғун яйловларида қўй боқиб юрган эдим. Хушхабарни эшитиб, кўнглим тоғдай кўтарилди, кўзимга ёш келди. Барханлар тепасига чиқиб, бир пайтлар раҳматли отам, эндиликда ўзим чўпонлик қилаётган, ризқу насибамиз сочилган беадоқ чўлга термулиб, ўйлаб қолдим. Мен каби оддий бир чўпоннинг меҳнати ҳам Президентимиз назаридан четда қолмаяпти. Меҳнатим бу қадар қадр топиши, рости, мени ҳамқишлоқларим, дўстларим орасида гўёки кўкларга кўтарди.

Кейин дўсти-ёрлар, маҳалладошлар бирин-кетин табриклаша бошлашди. Уларнинг дил сўзларини эшитарканман, озод ва обод юртнинг бахтиёр фуқароси эканлигимдан ғурурланиб кетдим.

Негмурод акадаги чўпонлик касбига меҳрни отаси Ҳамид ака уйғотган. Шу боис бўлса керак, у отаси меҳнат қилаётган чўл кенгликларидан узоққа кета олмади. Отаси қўлидан чўпонлик таёғини қабул қилиб олди. 1999 йилдан буён эса бош чўпон вазифасида фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар давомида ўз касбининг сир-асрорларини пухта эгаллаган Негмурод Ойматов бугун ширкат хўжалигининг илғор ва тажрибали бош чўпонларидан бири. Унинг қарамоғида 450 бош она қўй, 150 бош ўстиришга қолдирилган ёш қўзилар мавжуд. Ёрдамчи чўпонлар — Жўра Саидов, Баҳром Шомуродов, Феруз Нуруллаевлар билан биргаликда самарали меҳнат қилишмоқда. Ҳар йили бир отардан икки отар яратиш бу меҳнат жамоаси учун одат тусига кирган. Жорий йилда ҳам худди шундай бўлди. Мавжуд совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 110 тадан соғлом қўзи олиб, уларнинг аксарияти ўстиришга қолдирилди. Отарда қоракўл тери, жун, гўшт ишлаб чиқариш борасидаги кўрсаткичлар ҳам мақтовга арзигулик.

— Негмурод Ойматов ҳудудимиздаги ҳар томонлама ҳавас қилишга арзигулик оиланинг бошлиғи, — дейди у истиқомат қилаётган Бухоро туманидаги Лоша қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Рамазонов. — Турмуш ўртоғи Нилуфар Ойназарова ўқитувчи. Оиласида 6 нафар фарзанд тарбия топишяпти. Қўни-қўшнилар билан аҳил-иноқ яшашади.

— Бу унвон нафақат менга, балки халқимиз дастурхони тўкинлиги йўлида меҳнат қилаётган барча чорвадорларга берилган, деб биламан, — дейди Негмурод Ойматов. — Чорвадорларнинг меҳнатига берилган бундай мукофотлар барча ҳамкасбларимни янги меҳнат ютуқлари сари чорлаши турган гап.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

# ТАКРОРИЙ ЭКИН – ҚЎШИМЧА ДАРОМАД

ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЕРНИ БОЙИТИШ ОМИЛИ ҲАМДИР

**Халқимизда ерни боқсанг, ер сени боқади, деган пурҳикмат гап бор. Меҳр билан ишлов берилган ер нафақат соҳибининг оиласини, балки эл дастурхонини ҳам тўкин қилади.**

Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш борасида Самарқанд вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда вилоят бўйича ғалладан бўшаган 52,3 минг гектар майдонга такрорий экин экилгани ҳам фикримиз исботидир.

— Бунда ҳар бир туман, қолаверса, даланинг иқлим шароити, ҳосилдорлиги чуқур ўрганилди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бўлим бошлиғи Мурод Умиров. — Ғалладан бўшаган жойларга асосан картошка, сабзавот, полиз ва дуккакли экинлар, баъзи ҳудудларда эса чорва учун озуқа экинлари экилди. Экинларни жойлаштиришда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари, ҳосилотлар, мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар билан бамаслаҳат иш тутилди. Яъни ҳудуддаги бозор талаблари, деҳқонларнинг тажрибаси, тупроқ ва иқлим шароити каби омилларга эътибор қаратилди. Аниқроқ айтганда, Булунғур, Самарқанд, Тайлоқ туманларининг дарё бўйида жойлашган ҳосилдор ва бўш тупроқли майдонларига сабзавот ва картошка экилди. Дуккакли экинлар эса Жомбой ва Оқдарё туманларидаги тошлоқ, яримтошлоқ, сув кам талаб қиладиган майдонларга жойлаштирилди. Пастдарғом, Жомбой, Пайариқ туманларининг дашт ҳудудлари, яъни аҳоли сийрак жойлашган ҳудудлари эса кунгабоқар экини учун танланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу экилган барча такрорий экинларни парваришлаш агротехникаси, суғориш ва бошқа зарурий тадбирлар вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган режа асосида амалга оширилмоқда. Картошкага бўлган талаб эътиборга олинган ҳолда жорий йилда вилоят бўйича такрорий экин сифатида беш минг гектар майдонда картошка парваришланмоқда.

Такрорий экин эккан деҳқонларга барча шароит яратилган. Суғориш, ўғитлаш ва агротехник ишлов беришда ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Шунингдек, ҳосилни йиғиштириб олган деҳқон маҳсулотига харидор излаб юрмайди. Аниқроқ айтганда, туманлардаги агрофирмалар улар билан ҳозирданоқ аниқ ҳисоб-китобларга таянган ҳолда шартнома имзолашган. Такрорий экин экишнинг яна бир фойдали томони бор. Бу алмашлаб экиш технологиясидир. Ғалладан бўшаган ерга такрорий экин экилганда тупроқ унумдорлиги ошиб, органик модда билан бойийди, унинг хоссаларини яхшилаб, биологик жараённи кучайтиради.

**Акбар ҚАРШИЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# ЗОТДОР ОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

АЗАЛ-АЗАЛДАН ЮРТИМИЗДА УЧҚУР САМАН ОТЛАР ПАҲЛАВОН ВА БОТИРЛАРНИНГ ЙЎЛДОШИ БЎЛИБ КЕЛГАН. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ ХАЛҚЛАРИ ИФТИХОРИГА АЙЛАНГАН АХАЛТЕКИН ТУЛПОРЛАРИ ҚАДИМИЙ ЗОТДОР ОТЛАРНИНГ АВЛОДИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бу арғумоқларнинг келишган қомати, енгил ҳаракатлари ҳар қандай от ишқибозини ўзига маҳлиё этади. Қум шароити отларнинг бир маромда чиройли йўрғалашига сабаб бўлганлигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Табиатан чидамли, атроф-муҳитга тезда мослашувчан бу отлар ўта чопқирлиги билан ажралиб туради.

Сунъий чатиштириш натижасида ахалтекин отлари ўзига хос тусларга эга бўлиб бормоқда. Бугунги кунда ушбу отларнинг тўриқ, қизғиш, қора ва кулранг турлари кўп учрайди, оч сариқ ранглиси эса камёбдир.

Элликқалъа туманининг Амиробод овулидаги "Само тулпорлари" кичик от заводида жаҳонга маълум ва машҳур бўлган ана шу зотдор ахалтекин отлари кўпайтирилмоқда.

Йилқичиликни ривожлантириш, отларнинг наслини яхшилаш, зотдор отларни кўпайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур от заводида яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Зотдор отлар сони бу йил 39 тага етди, улардан 9 бош той олинди.



– Бу ерда боқилаётган отлардан бир нечтаси шу йил Ўрта Осиё миқёсида ўтказилган "Туркистон юлдузи" танловида муваффақиятли қатнашиб, совриндор бўлиб қайтди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси от спорти федерацияси президенти Аваз Абилов. – Шунингдек, отларимиз "Асрлар садоси – 2012" маданият фестивали доирасида ўтказилган кўргазмада ҳам иштирок этди.

Яқинда ушбу от заводида Қорақалпоғистон Республикаси от спорти федерацияси ташаббуси билан наслли отлар боқиш бўйича илмий мутахассислар иштирокида семинар ўтказилди. Семинарда йилқичиликни ривожлантириш борасида илмий-амалий тажриба алмашилди.

От заводида олиб борилаётган ишлар ва зотдор отларни кўпайтириш борасида эришилаётган натижаларга халқаро миқёсдаги мутахассислар юқори баҳо берди. Отларнинг қони ва ёлидан намуна олиниб, илмий текширувлар ўтказилди. Отларга халқаро фестивалларда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи паспортлар топширилди.

"Само тулпорлари"нинг отлари энди дунё кезади.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ФЕРМЕР БОЙИСА, ЮРТ БОЙ БЎЛАДИ

**Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида соҳада барқарор ўсиш суръатлари яққол намоён бўлаётир. Бу жараёнда истиқлол меваси бўлган фермер хўжаликларининг ҳам муносиб улуши бор, албатта. Фермерлар бугун қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда, шу билан бирга, қишлоқда тараққиёт ва фаровонликни таъминловчи кучга айланди.**

**Муртоз ПРИМҚУЛОВ,**
*Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Сирдарё вилояти филиали раҳбари.*

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу жараёнда Президентимиз раҳбарлигида фермерларга қулай шароитлар яратиб берилаётгани муҳим омил бўлаётир. Хусусан, қишлоқ хўжалигида мустаҳкам инфратузилма яратилиб, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар дала бошига етказиб берилмоқда. Сирасини айтганда, ерни шудгорлашдан то ҳосилни йиғиб олгунга қадар фермерлар давлатимиз ва ҳукуматимизнинг эътиборини сезиб туришибди. Ана шу омиллар боис ҳосилдорлик ошиб, моддий манфаатдорлик ўсиб бормоқда. Деҳқонлар ерни эъзозлашга, тажрибалардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги ўн йилда Сирдарё вилоятида ғалла ҳосилдорлиги 22 центнерга, пахта ҳосилдорлиги 11 центнерга ошди. Масалан, 2000 йилда ҳар гектар майдонда 18,4 центнердан дон, 12,9 центнердан пахта етиштирилган бўлса, 2010 йилда дон ҳосилдорлиги ўртача 40,3 центнерга, пахта ҳосилдорлиги ўртача 25 центнерга тўғри келди. Пахтачилик билан шуғулланаётган фермерлар сони эса бугунги кунда 2940 тани, ғаллачилик йўналишида фаолият кўрсатаётган мулкдорлар 3008 тани ташкил этаётир. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Мулкдорларни янги техникалар билан қуроллантириш борасида катта ғамхўрликлар кўрсатилиб, уларга беқиёс имтиёзлар берилаётир. Қолаверса, навларни тўғри танлаб, жойлаштиришга кенг йўл очилди. Бу эса вилоятда етиштирилаётган ҳосил салмоғи ўсиб, маҳсулот сифати яхшиланишини таъмин этмоқда. Чунончи, биргина 2012 йилда вилоят ғаллакорлари 89 минг гектар майдондан шартнома режасидаги 175 минг 900 тонна ўрнига 200 минг тонна сара дон топширдилар. Боёвут, Сирдарё, Оқолтин, Гулистон, Сайхунобод туманларида ҳар гектар майдондан ўртача 40-50 центнердан дон ўриб-янчиб олинди. "Аҳмадий", "Бегали", "Боёвутлик Маматмурод орзуси", "Оқолтин сардори", "Улуғбек", "Норқул", "Одил Али", "Тинибек бобо" фермер хўжаликларида гектаридан 55-65 центнердан ҳосил кўтарилди.

Вилоятда бугунги кунда 471 та боғдорчилик, 34 та полиз-сабзавотчилик, 401 та чорвачилик фермер хўжаликларининг ташкил этилганлиги бу соҳаларда ҳам маҳсулот етиштириш суръатлари ошиб, дастурхонларимиз тўкинлиги таъминланмоқда. Айни чоғда фермер хўжаликларида 74 минг 500 нафардан ошиқ киши доимий иш билан бандлиги, уларнинг эл маъмурчилиги йўлида самарали меҳнат қилаётганликлари ҳам фермерлар мамлакат иқтисодини мустаҳкамловчи катта куч эканлигидан далолат беради.

Жорий йилда 110 минг гектардан ошиқ майдонда мўл ҳосил етиштирган мулкдорларимиз 225 минг тонналик "оқ олтин" хирмонини яратиш учун пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Шубҳа йўқки, улар йиғим-теримни барвақт тугаллаб, юксак пахта хирмонини бунёд этадилар.

Фермерларимиз эса эътибору ғамхўрликдан миннатдор. Яқинда Президентимизнинг фармони билан Оқолтин туманидаги "Норқул" фермер хўжалиги бошлиғи Маматқул Ярбеков "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими" унвони соҳиби бўлди. Шунингдек, Сирдарё туманидаги "Амир Темур" фермер хўжалиги раҳбари Нугмат Рахматуллаев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан, Боёвут туманидаги "Шайзоқ ота" фермер хўжалиги бошлиғи Тошмурат Шайзаков "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотландилар. Буларнинг барчаси сирдарёлик фермерларнинг шижоатини ошириб, уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда.

БОҒДОРЧИЛИК



**15 гектар еримиз бор. Фермер хўжалигимизни "Бунёд-Нодиржон" деб номлаганмиз. Еримизнинг 6 гектари токзор. Замонавий технология, яъни томчилатиб суғориш усулида парваришлаяпмиз. 2 гектар майдонда эса иссиқхонамиз бор. Ундан йилига икки марта ҳосил оляпмиз.**

## ФАОЛИЯТИМИЗ КЕНГАЙИБ, ДАРОМАДИМИЗ ҲАМ КЎПАЙДИ

Шу йилнинг бошида Сайхунобод туманидаги фаолияти тўхтаб қолган иссиқхонани қайта тиклаб, "Аҳмад-Акмал ҳамкор" хусусий корхонаси негизида 2 гектар янги иссиқхона қурдик. Иссиқхона ва фермер хўжалигимизда 30 нафар киши доимий иш билан банд бўлди. Яқинда фермер хўжалигимиз ҳудудида 12 мингта зотли товуқ боқиладиган паррандачилик фермасини ишга туширдик. Фаолиятимиз кенгайиши, биз тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар ҳисобига даромадимиз ошиб, маҳсулот етиштириш суръатлари ҳам ўсиб бораётир. Келгуси йилдан бошлаб янги узумзоримиз ҳам мўл ҳосил бера бошлайди.

**Комилжон МАМАТҚУЛОВ,**
**вилоят ўрмон хўжалиги ҳудудидаги "Бунёд-Нодиржон" фермер хўжалиги раҳбари.**




ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

Бугунги саҳифамизда СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ фермерларининг эришаётган ютуқлари, илғор тажрибалари билан танишасиз.

ПИЛЛАЧИЛИК

## ОҚОЛТИН ИПАК ВА АДРАСЛАРИ ДОВРУҒИ ОШМОҚДА

**Ҳар йили туманимиз пиллачилари 40 тоннадан ошириб "кумуш тола" тайёрлашади. Бунинг учун етарли озуқа базамиз, яъни 134 гектар тутзорларимиз, 32 минг тупдан зиёд тут дарахтларимиз бор.**

Пилланинг етиштирилгани эмас, қайта ишлангани катта фойда келтиришини барчамиз яхши биламиз. Шу боис, ўтган йили "Ўзмиллийбанк"нинг Сирдарё вилояти филиалидан 65 миллион сўм кредит олдик. Сармояга ипак ўраш цехи ташкил этдик. Бир иш навбатида 15 килограмм пиллани қайта ишлаб, ўрайдиган цехда 20 та янги иш ўрни яратилди. Бу борадаги изланишларимизни давом эттириб, "Ипак Шерзод Шерозий" кичик корхонасини ташкил этдик. Марғилондан 7 та тўқув дастгоҳи олиб келиб, шу йилнинг июль ойидан бошлаб адрас ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйдик. Тўқув дастгоҳларида кунига 180-200 метр адрас тўқиляпти. Адрасларни етти хил рангга бўяш ишлари ҳам ўзимизда ўзлаштирилди. Шундай қилиб, корхонамизда ишлаётган аёллар сони 27 нафардан ошди. Корхона иш юритувчиси Абдуманноб Маматбоев, бош технолог Ҳайитбой Тўраев, тўқувчилар Саида Турдиева, Олтиной Тўрабоева, Гулноза Самадова, Шоҳида Тўхтасинова, Гулноза Йўлдошевалар ғайрат билан ишлаётганликлари сабабли Оқолтин ипак ва адрасларининг довруғи бутун Мирзачўлга ёйилди. Қиз-жувонларимиз эгнида гулдек яшнаб турадиган турфа ранг адрасларни туҳфа этаётганимиздан бахтиёрмиз.

**Нурали ОДИНАЕВ,**
**"Оқолтинпилла ипаги" масъулияти чекланган жамияти раҳбари.**

ПАХТАЧИЛИК

## МУВАФФАҚИЯТЛАРНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ — ЭЪТИБОРДА



Ўтган йили 48,6 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтаргандик. Бу йил 37,1 гектар майдонда ғўза парваришлаб, 40 центнерлик марра учун курашяпмиз.

Вегетация даврида ғўзалар етарли миқдорда минерал ҳамда маҳаллий ўғитлар билан тўйинтирилди. Шунингдек, баргидан озиқлантирилиб, чеканка табақалаштирилган усулда ўтказилди. Суғориш ишлари "шарбат" усулида, асосан тунда амалга оширилди. Қатор ораларига сифатли ишлов берилиши ҳам ғўза илдизининг чуқур томир отиб, пайкалларда тўқ кўсаклар яратилишини таъминлади. Август ойида ишловга зўр берилиши, айниқса, ҳашаротларга қарши курашиш ўз самарасини берди. Мўл ҳосил тўпланди.

Механизатор Мансур Абдужабборов, Эркабой Маманов, сувчилар Абдураҳим Абдужабборов, Муҳаммад Сайдалиевлар далаларда самарали иш олиб боришди. Шу кунларда фермер хўжалигимиз аъзолари, мавсумий чопиқчиларимиз пахтани йиғиб-териб олишни қизғин давом эттиришмоқда. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, пахтачиликдан 55 миллион сўм даромад оламиз. Ғаллачиликда қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам салмоқли бўлди. Жорий йилда 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 58 центнердан сара дон янчиб олдик. Соф фойда 20 миллион сўмни ташкил қилди. Механизатор ва сувчиларимизга 1,5-2 тоннадан дон тарқатдик. 10,5 қути ипак қуртидан 640 килограмм пилла топширганлигимизни ҳам ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, бу йилги ютуқ ва даромадларимиз салмоғи бундан ҳам ошади. Қўлга киритилаётган муваффақиятлар замирида биз фермерларга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва имтиёзлар ётибди. Биз улардан унумли фойдаланиб, мўл ва сифатли ҳосил етиштирмоғимиз, шу билан юртга хизмат қилмоғимиз лозим.

**Абдухалил АБДУЖАББОРОВ,**
**Гулистон туманидаги "Боёвутлик Маматмурод орзуси" фермер хўжалиги раҳбари.**

## ФЕРМЕРЛАР

*Замонамизда илғор,*
*уста деҳқон фермерлар.*
*Ҳар жабҳада ҳам илғор,*
*ишда чаққон фермерлар.*

*У бугун уста деҳқон,*
*айни дамда билимдон,*
*Зўр иш боши, тадбиркор,*
*ишбилармон фермерлар.*

*Пахта, буғдой, шолидан*
*етиштирар мўл ҳосил,*
*Кузда барпо қилади*
*тоғ-тоғ хирмон фермерлар.*

*Сабзавоткор, соҳибкор,*
*ҳар жабҳада миришкор,*
*Мева, узум, анорда*
*етук боғбон фермерлар.*

*Даромад ва ҳосилнинг*
*салмоғи жуда юксак,*
*Ҳисоб-китоб қилишда*
*зўр ҳисобдон фермерлар.*

*Уларга катта-катта*
*бахту омад тилабон*
*Суҳайлий дер: ҳамиша*
*бўлсин омон фермерлар!*

**Қоражон ҚОДИРОВ**

РАҚАМЛАРДА ҲАЁТ АКСИ:

Сирдарё вилоятида **471 та** боғдорчилик хўжалиги ташкил этилган бўлиб, улар ихтиёрида **6829 гектар** ер мавжуд.



Жорий йилда **34 та** сабзавот ва полизчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари томонидан **296 гектар** майдонда мўл ҳосил етиштирилмоқда.

БАЛИҚЧИЛИК

## ЭЛ ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Вилоятда балиқчиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида молия муассасалари томонидан имтиёзли кредитлар йўналтирилаётганлиги боис балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари кўпайиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам янада ошмоқда.



Чунончи, ўтган йили 111 та балиқчилик хўжалиги томонидан қарийб 800 тонна балиқ эл дастурхонига тортиқ этилганди. Бу йил балиқчилик хўжаликлари яна 33 тага кўпайди. Улар сони 144 тага етди. Бу вилоятда янги сув ҳавзаларини барпо этиш, хўжаликларни ем, махсус анжомлар, экскаваторлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир. "Дур гавҳар", "Улуғ нур", "Янгиер балиқ", "Туркистон турон жамоли", "Шерзод Ш." каби хўжаликларнинг ҳар бири бу йил 40-80 тонна атрофида балиқ етиштиришни кўзлаб меҳнат қиляптилар. Жумладан, Сайхунобод туманидаги "Шерзод Ш." фермер хўжалиги аъзолари "Микрокредитбанк"нинг Сирдарё вилояти филиалидан ўтган йили 20 миллион сўм кредит олиб иш бошлаганди. Бир йилнинг ўзида 35 гектар майдонда сув ҳавзалари барпо этилиб, шу йилнинг ўзида шаҳар дўконларига 10 тонна балиқ етказиб берилди. Бу йил мазкур жамоа 30 тонна балиқ етиштиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

Яна бир эътиборли жиҳати, авваллари балиқ етиштириш, ҳавзаларга ташлаш учун чавоқлар Тошкент ва Жиззах вилоятларидан олиб келинарди. Ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида "Янгиер балиқ" МЧЖ ва Мирзаобод туманидаги қатор балиқчилик хўжаликларида алоҳида инкубаториялар ташкил этилиб, увилдириқ, чавоқ етиштириш йўлга қўйилди.

Озуқа базасининг мустаҳкамлиги ривожланишда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, маҳсулдорликни ошириш учун зарур чора-тадбирлар кўрилаётгани боис, балиқ етиштириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир.

**Шоим ОЧИЛОВ,**
**вилоят балиқчилари уюшмаси раиси.**

ЧОРВАЧИЛИК

## ЯНГИ ТАРМОҚЛАР, ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН

**Укам Шуҳратжон билан ҳамкорликда бундан ўн йил олдин туманнинг Ҳамза сув истеъмолчилари уюшмасида пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган "Каримовлар сулоласи" фермер хўжалигини ташкил этгандик. Эришилган ютуқлар ва тўпланган тажриба қишлоқ хўжалигининг бошқа йўналиши — чорвачиликда ҳам ўз кучимизни синаб кўришга даъват этди.**



*Фермер Солибой Каримов туман бош чорвадори Қурбон Отабоев ва бош ветеринария врачи Равшан Сулаймонов билан бўрдоқига боқилган новвосларни кўздан кечирмоқда.*

Икки йил олдин шу мақсадда "Фарҳод" СИУда гўшт етиштириш йўналишидаги " Туркистон Турон жамоли" фермер хўжалигига асос солдик. Аввал ёзги айвон ва қишки молхона, озуқа сақланадиган алоҳида омборхоналарни тикладик. Ўтган йиллар ичида бўрдоқига боқиладиган новвослар сонини 80 бошга, қўчқорлар сонини 400 бошга етказдик. Шу йилнинг олти ойида Гулистон ва Тошкент шаҳарларидаги шохобча — дўконларга арзон нархда 3,5 тонна гўшт етказиб бердик.

Шунингдек, йил бошида "Агробанк"нинг Боёвут тумани бўлимидан 98 миллион сўм кредит олиб, 2 километр узунликдаги ҳавзада балиқчилик хўжалигини ҳам ташкил қилдик. Эрта баҳорда 650 килограмм чавоқ ташланган ҳавзаларда балиқнинг сазан, амур, дўнгпешона каби турлари яхши ривожланяпти. Яқин кунларда эл дастурхонига 10 тонна балиқ тортиқ этишни мақсад қилганмиз.

**Солибой КАРИМОВ,**
**Ховос туманидаги "Туркистон-Турон жамоли" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.**

Саҳифани Бозорбой БЕКМУРОДОВ ва Фурқат ТОШМАТОВ (суратлар) тайёрлади.

